Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 165 (7.554) ◆ 1991 йил 27 август, сешанба ◆ Нархи 8 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ Ш. М. Йўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қабул қилган республиканинг Мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга асосланиб, Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш зарурлиги ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаб, шу йил 26 августда «Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунни маромига етказиш учун ишчи гуруҳи тузиш ҳақида фармойиш чиқарди.

Ушбу ҳужжатни республика Олий Кенгаши муҳокамасига олиб чиқиш ҳақида таклиф киритиш мақсадида ишчи гуруҳига лойиҳа устидаги ишнинг бориши тўғрисида Раёсатга уч кун ичида ахборот бериш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссиясида

26 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 19—21 августдаги ғайриконституциявий тўнтариш кунларида Компартия раҳбариятининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида ахборот берди.

СССР Олий даражадаги давлат амалдорлари гуруҳидан иборат фавқулодда ҳолат давлат комитети ҳокимиятни жиноятчорона босиб олган дастлабки соатлардаёқ республика раҳбарияти партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларини, барча коммунистларни осойишталикни сақлаш ва сабр-тоқатли бўлишга чақирдилар, халқ депутатлари Советлари билан биргаликда барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаб қолиш, республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилишига йўл қўймаслик, ғайриконституциявий, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга даъват этувчи ифвогарона чақириқларга берилмаслик учун ўз обрў-эътибори ва таъсиридан фойдаландилар.

Ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш, биринчи навбатда ҳарбий куч ишлатиш йўл қўйиб бўлмайдиган восита эканлиги қатъий тарзда айтилди. Партия ташкилотлари, уларнинг сайлаб қўйилган идоралари, коммунистлар ўз ор-номуси ва қадр-қимматига дахлдор муаммоларни танклар ва баландпарвоз чақириқлар билан ҳал этиб бўлмаслигини қатъий равишда айтдилар.

Партия комитетларига, совет ва давлат идораларига, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига бугунги кунда партия аъзоларидан, меҳнаткашлардан, аҳоли турли табақалари вакилларидан кўпдан-кўп хатлар келмоқда. Бу хатларда республика Президенти, Марказий Комитет биринчи котибининг Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатидаги, Олий Кенгаш Раёсати, Вазирлар Маҳкамаси баёнотидаги, шунингдек, республика Компартияси Марказий Камитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг тўнтариш муносабати билан берган баёнотидаги фикрлар ва хулосалар қўллаб-қувватланади. Бу баёнотларнинг ҳаммаси республика ва Компартия тақдири учун ташвиш билан йўғрилган. КПСС Марказий Комитети, Сиёсий Бюроси ва Котибияти раҳбарларидан ортодоксал қисмининг қўрқоқлиги, принципсизлиги ва жиноятчорона хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келган вазиятга ҳеч ким бефарқ қараб туролмайди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси ўзининг XXII съездида ва КПССнинг XXVIII съездида (ўртоқ И. А. Каримов нутқида) Ўзбекистон Компартияси — ўз Устави ва Дастурига эга бўлган мустақил партия бўлиб, ўз ҳудудидаги барча масалаларни мустақил ҳал этишини қатъий равишда ва принципиал тарзда айтганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси қатнашчилари ўша фожиали кунларда республика партия раҳбариятининг амалда қилган ишларини маъқуллладилар. Айни вақтда КПСС Марказий Комитети олий раҳбарларини кескин қоралаб, Бюро ва Раёсат 28 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумини чақиришга қарор қилди, унда республика Компартияси КПСС Марказий Комитети билан алоқасини тўла узиши ва КПССнинг барча тузилмаларидан чиқиши, ўз вакилларини КПССнинг сайлаб қўйилган органларидан чақириб олиши ва кейинчалик бу қарорни Компартиянинг фавқулодда съездида тасдиқлаши тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиши керак. Бу қарорлар партия ва унинг аъзолари тақдирини аниқлаб бериши мумкин. Ҳаёт Компартия партия аъзолари тақдирини ўз қўлига олган мустақил сиёсий ташкилот сифатида ўзини кўрсатишини қатъиян тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига тайёргарлик кўриш учун ваколатли комиссия тузиш тўғрисидаги масалани пленум муҳокамасига киритиш ҳақидаги таклиф қабул қилинди. Унда партиянинг номини ўзгартириш, дастурий мақсадлари, Устави жамиятдаги фаолиятининг шакл ва усулларини тубдан кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси очилди

Кеча Москвада ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси эрталаб соат 10.00 да СССР Олий Кенгаши палаталарининг Кремлдаги мажлисида залида очилди. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида СССР Президенти М. С. Горбачев, жумҳуриятларнинг раҳбарлари қатнашмоқдалар. Эрталабки мажлисни Иттифоқ Совети Раиси И. Лаптев очди.

Сессияда СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьяновнинг парламентга Мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Унда бундай дейилади: «Менга қарши қўйилаётган ва мен қатъиян рад этаётган айблар муносабати билан ҳозирги вақтда ўзимнинг СССР Олий Кенгаши Раиси лавозимимда қолишим мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Бу айблар синчковлик билан холис текширилишини, менинг инсоний қадр-қимматим қонуний тарзда ҳимоя қилинишини сўрайман». Раислик қилувчининг айтишича, Лукьянов СССР Президентига ҳам шундай илтимоснома йўллаган.

* * *

СССР Олий Кенгашининг бир гуруҳ депутатлари СССР вице-президенти лавозимига А. Н. Яковлев номзодини, СССР ташқи ишлар вазири лавозимига эса Э. А. Шеварднадзе номзодини кўрсатдилар. Бу таклиф, депутатларнинг сўзларига қараганда, улар М. С. Горбачев билан биргаликда қайта қуришни бошлаганликларига, давлат тўнтариши кунларида эса ниҳоятда юксак даражада масъулиятни ҳис этиб, фуқаролик позициясини эгаллаганларига асосланади.

* * *

Депутатлар анча давом этган ва қизғин мунозаралардан сўнг кун тартибини қабул қилдилар. Кун тартибига СССР Президентининг мамлакатда рўй берган давлат тўнтариши муносабати билан юзага келган вазият тўғрисидаги ахбороти, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини чақириш, 18—21 августда рўй берганига ўхшаш воқеаларнинг такрорланиш эҳтимолини истисно этадиган биринчи навбатдаги тадбирлар ва қонун ҳужжатлари рўйхати тўғрисидаги, СССР ҳукумати ва бошқа давлат органлари таркибидаги ўзгаришлар, СССР Олий Кенгаши, парламент айрим комитетлари ҳамда комиссияларининг, СССРдаги давлат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг 1991 йил 18 августда ва ундан кейинги кунларда рўй берган воқеалардаги раҳбарлик ролига баҳо бериш тўғрисидаги масалалар киритилган. СССР Олий Кенгаши аппаратини зудлик билан қайта ташкил этиш зарурлиги тўғрисидаги масала ҳам кун тартибига киритилган.

* * *

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси нутқ сўзлаган мамлакат Президенти М. С. Горбачев давлат хавфсизлик органларини қайта ташкил этишни, давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинларини СССР Мудофаа вазирлиги таркибига киритишни таклиф қилди. У шунингдек, парламентга Давлат хавфсизлик комитети тўғрисидаги Қонуннинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳамда давлат хавфсизлиги органларининг бўлажак ислоҳоти негизида мазкур Қонунни қайта ишлаб чиқиш ҳақида таклиф киритди.

Сессия СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини 2 сентябрда чақиришга қарор қилди.

(ТАСС).

ЮЗЛАРИ ЁРУҒ

ҲАР қандай иш ўз вақтида бажарилса — қандай яхши! Шунда кўнгил тўқ, дил обод бўлади. Пойтахтимиздаги Киров райони халқ таълими бўлими, оталиқ ташкилотлар ва район жамоатчилиги янги ўқув йили бошланиши олдидан ёш авлод олдида юзлари ёруғ бўлди.

Райондаги тўртта мактабда қайта таъмирлаш, 40 та мактабда эса жорий таъмирлаш ишлари якунланди. Ҳозирда бу мактаблар ўтган йилги ҳолатидан ижобий ўзгаришлар билан кескин фарқ қилади. Замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган фан кабинетлари ва электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнатилган синф хоналари ўқувчиларнинг илм олиш шароитини осонлаштиради. Шинам спорт зали ва майдончалари, сув ҳавзалари эса ёш авлоднинг жисмоний соғлом камол топишини таъминлайдиган бўлди.

Бундан ташқари мактаб ўқув дастурига «Одобнома», «Эски ўзбек ёзуви» дарсларининг киритилиши янги ўқув йилида таълим-тарбия ишларини пухта олиб боришга замин яратади.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

- Тошкентда Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигини байрам қилиш юзасидан республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.
- Тошкент мебель фабрикасида «Нилуфар» деб аталувчи янги мебеллар термаси ишлаб чиқарила бошланди. У кичик хонадонларда истиқомат қилувчи ёш оилаларнинг эътиборини қозониши турган гап.
- Олмалиқ шаҳрида бир ҳафта давомида давом этган халқ истеъдодлари цирк жамоалари «Дўстлик саҳнаси» фестивали ниҳоясига етди.
- Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Бекдиём Жуманиёзовлар Алишер Навоий тўйига бағишлаб Урганч ва Хонқа шаҳарларида иккита хайрия концерти қўйиб бердилар. Ундан тушган маблағ Хонқадаги шоир номи билан аталувчи жамоа хўжалигида бунёд этиладиган янги Алишер Навоий музейи қурилишига сарфланади.

МАМЛАКАТИМИЗДА

- РСФСР Президенти Б. Н. Ельцин ўлка ва вилоятларга ўз вакилларини тайинлади.
- А. Лукьянов истеъфога чиқди.
- Қозоғистонда КПСС мол-мулки халқ мулки деб эълон қилинди.
- Литва раҳбарияти республикадаги вазиятни тўлалигича назорат қилиб турибди.
- Грозний шаҳридаги митинглар олти кундирки давом этмоқда.

ХОРИЖДА

- Ҳиндистон Бош вазири П. В. Нарасимха Рао Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришни ёқлаб гапирди. «Икки томонлама муносабатларимиз ҳамма вақт яхши бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Биз барча йўналишларда мустаҳкам ҳамкорлик қиляпмиз», — деди у ТАСС ҳамда совет радиоси ва телевидениеси мухбири билан суҳбатда.
- Югославияда фуқароларнинг кенг кўламдаги урушига қадам қўйилди.
- Жанубий Корея Совет Иттифоқи таркибига кирувчи республикалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида. Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Сан Ок шу ҳақда хабар берди.

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

БЕЖИРИМ ПОЙАБЗАЛ ТАЙЁРЛАШ УМИДИДА

ҲАР бир нарса ёки бирор бир буюм ишлаб чиқаришга жорий этилишидан аввал катта машаққат билан дунёга келади. Буни кимдир билади, кимдир билмайди. Айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида. Худди шу мавҳум бўлган нарсани шаҳримиздаги 2-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида изоҳламоқчиман.

Бу корхонада йил давомида юздан ортиқ турда пойабзал ишлаб чиқарилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳуснга эга. Яна шуниси аҳамиятлики ўша юздан ортиқ моделнинг бирортаси бири-бирига ўхшамайди. Бунинг сири нимада? Албатта бу савол кўп сонли муштарийларимизни ҳам қизиқтириши табиий. Шунинг учун мен шу соҳа мутахассисларига мурожаат қилдим. Улар бизни қизиқтирган мавзуга мана бундай изоҳ беришди.

— Бўлинмамизда 8 киши меҳнат қилади. Лекин шунга қарамай бирлашма масъуллиги шу ердан бошланади, десам хато қилмайман, — дейди бош моделчи Нина Дурасова. — Чунки асосий модель, андоза ва яратилаётган пойабзал қандай чиройга эга бўлиши мана шу ишчиларимизга боғлиқ. Биз кўп йиллардан бери Москвадаги к а с б д о ш ларимиз билан тажриба алмашамиз. Улар бу ерга келишади, биз у томонларга бориб ўз шароитимизга мос равишда бежирим оёқ кийимлар моделларини олиб келамиз. Гоҳо шундай вақт бўладики, хом ашё танқислиги сабабли имконга яраша иш қилишга тўғри келади. Бу вақтда рассом-моделчимиз Елена Потехина ўз маҳоратини ишга солади. Кутилмаганда киритган таклифи яхши самара беради. Унинг изланувчанлиги, фантазиясининг бойлиги туфайли харидорбоп пойабзаллар ишлаб чиқарилмоқда.

Меҳнат фахрийси Раиса Михайловна Герохина корхонада меҳнат қилаётганларнинг устози саналади. У 1957 йилдан буён шу корхонада меҳнат қилади. 1965 йилдан эса моделчи бўлиб ишлайди.

— Яратилган ҳар бир оёқ кийимни маромига етказиб тайёрлашда қолипга олувчилардан Сайфи Ғуломов, Василий Хабаров, Ҳасан Нурмуҳаммедовлар меҳнатига тан бериш керак, — дейди Раиса Михайловна. — Сабаби чизмадаги модел кўнглингдагидай тикилса қандайин ҳам қувонмайсан одам. Бундан ташқари ўз ҳамкасбдошларинг маслаҳат сўрашса ёки тажриба алмашиниб турилса, албатта ижобий натижаларга эришиш мумкин. Умуман ҳамкорликда ишлашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор, албатта. Ҳозиргача бу ҳамкорлик ва бамаслаҳат қилинган ишимиз сира панд бергани йўқ. Деярли доимо натижаси ижобий бўлмоқда.

Корхонада моделчилар ишини юзага чиқарадиган яна асосий модел бўлинмаси бор. Уларнинг меҳнати ўта масъулиятли. Яъни бичилган хом ашёни мана шу бўлинмадаги қўли гул косиблар меъёрига етказиб тикиб беришади. Бу бўлинма 6-цехга жойлашган. У ерда 80 киши меҳнат қилади. Бўлинманинг алоҳида томони шундаки аввало янги чиққан моделни бир нусхада тикиб, кенг ишлаб чиқаришга тақдим этса, иккинчидан ўзларининг шахсий тамғалари билан иш юритишади.

— Бўлинмада меҳнат қилаётган қолипга тортувчилардан Умар Хожиев, Равшан Аъзамов, Эркин Ҳайитбоев ва тайёрловчи Холида Насритдиноваларнинг шу кунгача тиккан ишларига бирор марта эътироз билдирилгани йўқ, — дейди бош муҳандис Бахтиёр Иноғомов. — Айни вақтда бўлимада кузги ва қишки пойабзалларнинг дастлабки намунаси тайёрланди. Булар эркакларнинг ва аёлларнинг этиги ҳамда куз мавсумида кийиладиган туфлиларидир. Бу пойабзаллар табиий ва сунъий чармдан тайёрланмоқда. Пойабзалчилар ёзги оёқ кийимдан бир кунда 400 жуфт, қишкисилан эса 180 жуфт тайёрлашга эришишмоқда. Умуман бу бўлинмани биз бирлашмамиздаги кичик корхона десак ҳам янглишмаган бўламиз.

Дарвоқе, шаҳримиздаги кўпгина корхона ва бирлашмалар асосан хом ашё тақчиллигига юз тутмоқда. Бундай тақчиллик бу бирлашмада ҳам мавжуд, аммо имконини топиб ишлашмоқда. Пойабзалчиларнинг мақсади йил давомида 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Улар шу кунгача 35 миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулот етказиб беришди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир нарсанинг иложини топиб, ишбилармонлик билан иш қилинса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жуда кўп қулайликларга эришишлари мумкин. Айниқса кичик бўлинма ва кичик корхоналар фаолияти бунга яққол мисолдир. Бирлашманинг мана шу икки бўлинмаси орқали ва шуларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб кўп ва хўб яхши ишлар қилинса бўлади. Шунинг учун ҳам бирлашмадаги барча ишчи-хизматчи бежирим пойабзал яратиш ва уни ўз харидорига етказиш умидида меҳнат қилишмоқда.

Гулзода МАМБЕТОВА.

ИШЧИЛАР УЧУН МУЗҚАЙМОҚ

ЎРТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси «Виктория» ижара корхонасининг ошхонасида шинамгина тамаддихона ташкил этилди. Бу ерда мева ва сабзавотлар шарбати ва ширинликлар сотилмоқда. Яқинда корхона ишчи-хизматчиларига музқаймоқ сотила бошланди. Корхона ҳисобидан харид қилинган музқаймоқ тайёрлайдиган жиҳозлар бирлашманинг бошқа ижара ва майда корхоналарининг ишчи-хизматчилари талабини ҳам қондирмоқда.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Касаначиликка—кенг йўл

Энг қулай иш

БОЗОР иқтисодиёти бошланмаган кезларда касаначилик билан шуғулланганларга унчалик эътибор қаратилмас эди. Ҳозирги вақтда эса бу энг қулай иш бўлиб бормоқда. Қўлида ҳунари борлар орқали ҳатто кичик корхоналар ҳам ташкил топяпти.

Шаҳримиздаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар, «Малика» трикотаж ва «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари борки, у ерларда анча йиллардан буён касаначилик ёки уйга иш олиб ишлаш кенг йўлга қўйилган. Бу корхоналар ичида «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехида айнан биз тилга олган касаначилар меҳнат қилишади. Бу цехда 400 дан зиёд уйга иш олувчи аёллар, яъни касаначилар ишлайди. Улардан 200 нафари ички кийим тикишса, 200 нафари эса чопон, кўрпа, кўрпача қавийдилар. Одатда, бу ишлар уй шароитида бажарилади. Уйга иш олиб ишловчиларнинг шароити цехда ишлаётган аёлларникидан фарқ қилмайди. Лекин шундай бўлсада касаначилик жуда кўплаб аёлларимизга қўл келмоқда.

— Уйда ўтирган кўп болали аёлларни, II, III гуруҳ ногиронларини иш билан таъминлай олаётганлигимиздан гоҳо ўзимиз ҳам мамнун бўлиб қўямиз, — дейди цех бошлиғи Маъмлума Самигова. — Тақчиллик пайтидаям чеварларимизни ишсиз қўймадик. Балки шундан бўлса керак, улар ҳам ҳар бир тикилаётган маҳсулот сифатига катта эътибор билан қарашмоқда. Аёлларимиз учун қулай бўлсин деб, қўшимча тикилган тайёр ишларни ўзимиз борib, уй-уйларидан йиғиб олиб келамиз. Гоҳо муддатидан олдин тикиб бўлишса вақтларига қараб ўзлари цехга, назоратчидан ўтказиб ташлаб кетишади. Шуниси қувончлики, ҳар бир касаначи ўз масъулиятини ҳис қилади, шунингдек вояга етиб келаётган қизлари бўлса уларга ҳунар ўргатишади. Мана касаначиликнинг қулайлиги нимада! Шуни назарда тутган ўзбек аёлларимизнинг жуда кўпчилиги бунга сидқидилдан ёндошган.

— Учта болам бор. Асосан болалар, аёллар, эркаклар ички кийимларини тикаман, — дейди касаначи чевар Маърифат Ҳакимова. — Уйда иш тикиш биргина менга эмас, барча оилали аёлларга қулай, деб биламан. Чунки болаларнинг тарбияси, уйнинг саранжом-саришталиги аёлга боғлиқ. Шунинг учун агар бу ишни қунт билан ўрганиб, нага солиб олса сира юқазмайди. Аксинча меҳнат инсонни улуғлайдику, ахир.

Цехда бир ойда 5000 сўмлик маҳсулот тикилади. Ўғилой Дадабоева, Муҳаррам Қосимова, Раҳима Одилова, Муяссар Дадаева, Карима Мусаева, Нортожи Аҳмедова, Салтанат Юсупова каби уйга иш олиб ишловчи аёллар ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Дарвоқе, чеварчиликни ёши ўтиб қолгач ҳамма аёл ҳам эплайверади, деб айтолмаймиз. Ёш қизларни ёшлигидан бирор бир ҳунарга меҳрини уйғота олсак, келажакда, мустақил ҳаёт кечирган кезларда мушкулликка дуч келмайди. Айниқса чеварчилик бу борада барча аёлларга асқотади, деб биламан.

Ўрозгул АҲМЕДОВА.

Ғайратидан дўстлари мамнун



Тошкентдаги «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз касбининг ҳақиқий фидойилари бўлган кўплаб ишчилар ишлашади. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли жамоа эришаётган ютуқлар салмоғи ошиб бормоқда. Чапдаги суратда тасвирланган энг яхши электр монтажчилардан бригада бошлиғи Валерий Дейкин (чапда), Эршод Иноғомжонов, Александр Сердюклар меҳнатидан уларнинг ҳамкасб дўстлари мамнун. Ўнгдаги суратда тасвирланган энг яхши йиғувчилардан (чапдан ўнгга) Наталья Гусева, Гулура Белалова ва Ирина Ткачеваларнинг кайфиятлари баланд. Чунки улар бугунги топшириқларини ҳам ортиғи билан бажаришди-да.

Тўлқин Каримов суратлари.

⊙ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Марказий конструкторлик ва технология бюроси илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика цехида кўп йилдан буён меҳнат қилаётган токарлар ишидан кўпчилик мамнун. Айниқса Анатолий Прихожаевдан. У ўн йилдан бери шу ерда ишлайди. 6-тонфадаги токарлик маҳоратига эга.

⊙ Дмитрий Зипченко мактабни тугаллаганидан сўнг шу бюрода ишлашни бошлади. Асосий ишни ўрганишида меҳнат фахрийси В. И. Курпо (ўнгда) яқиндан ёрдам бермоқда. Дмитрий ўз устозидан бутун ищ жараёнларини ўрганишга ҳаракат қилаяпти.

СУРАТЛАРДА: токарь Анатолий Прихожаев ҳамда устоз ва шогирд Д. Зипченко ва В. И. Курпо.

Тўлқин Каримов суратлари.

Касаба уюшмаси ҳаёти

ИШЧИЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

ШАҲРИМИЗДА йўловчиларни хоҳлаган вақтларида ўз манзилларига етказиш ва уларнинг узоғини яқин қилишга 3-таксомотор парки ҳайдовчилари ҳам қирқ йилдан ошиқ вақтки ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шаҳарга биринчи таксилар 1949 йилда 1-автокорхонага келтирилган эди. Кейинчалик аҳолининг такси хизматига бўлган талаби тобора оша борганлиги сабабли бу иш ривожлантирилиб, таксопарклар кўпайтирила бошлади.

3-таксомотор парки аввалига Қорасув мавзесида жойлашган эди. 1966 йилда Қўйлиқ яқинидаги янги услубда барпо этилган бинога кўчириб келтирилди. Корхонада ҳозирги кунда ҳам машиналар учун ва ҳайдовчилар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. 3 қаватли гараж, замонавий боксларда ва таъмирлаш устахонаси мунтазам ишлаб турибди.

Шу йилнинг апрель ойида корхона ўзининг 25 йиллигини нишонлади. Байрамда раҳбар ходимлар, кўп йиллар машина рулини бошқариб шу ердан кексалик нафақасига чиққан меҳнат фахрийлари, республика театрларининг артистлари ва бошқа меҳмонлар қатнашдилар. Бу куни меҳнат фахрийларига ва айни пайтда халққа намунали хизмат кўрсатаётган ҳайдовчиларга 25 йилликка бағишланган кўкрак нишони ва пул мукофотлари топширилган эди.

Корхона бошқа таксопарклар орасида биринчилардан бўлиб янги хўжалик услубига ўтиб ижара пудратида иш бошлади. Айни пайтда бу ерда 680 га яқин енгил автомобиль бўлиб, шулардан 100 таси шахсий ижарага олинган машиналар сифатида аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Бу йил ижарада меҳнат қилаётган илғор ҳайдовчиларимиз учун янада самаралироқ ишлашга чорлайдиган воқеа юз берди, — дейди корхона касаба уюшмаси раисининг ўринбосари Дилшод Ипёсович Шоумаров. — Шу корхонанинг ўзида беш йил мобайнида машинани авариясиз бошқариб, намунали хизмат кўрсатиб келган ва ижара пудратида яна шундай ишлаб уч йил ҳайдовчилик қилган кишига ўзи бошқарган машинасини арзон нархда сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Бу масала корхона раҳбарияти ва касаба уюшмамизнинг мажлисида кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Албатта, ҳамма жойда бўлгани каби бизнинг корхонамизда ҳам ишчи-хизматчиларнинг манфаатини ўйлаб, уларнинг ижтимоий талабларига жавоб бериш вазифаси биз касаба уюшмаси аъзоларининг зиммамиздадир.

Бу борада корхона касаба уюшмамизда катта ишлар амалга оширилаяпти. Корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси ўртасида жамоа шартномаси тузилган. Бу шартномада асосан ишчиларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, дам олишлари учун шароитлар яратиб бериш ва бошқа ижтимоий масалалар кўзда тутилган.

— Шу корхонада беш йил ишлаганларга, — дея сўзида давом этади Дилшод Шоумаров, — шахсий кооператив уйлар сотиб олишлари учун бир ҳайдовчига беш минг сўмгача ёрдам қилаяпмиз. Корхона бу пулни шу кишидан қайтаришни талаб қилмайди, балки бу пулдан кечиб юборади. Масалан, кейинги вақтда Сайфиддин Зайниддинов ва Шуҳрат Жўраевларга уй-жой масаласида ёрдам қилиш мақсадида беш минг сўмдан пул ажратилди.

Бундан ташқари янги оила қурган ёш ишчи-хизматчиларга ҳам бир ярим-икки минг сўм миқдорида пул берилиб уй жиҳозларини тиклаб олишлари учун ёрдам қилинади. Аммо, улар маълум муддатдан кейин бу пулни яна корхонага қайтарадилар.

Корхонамизда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-хизматчининг яхши ишлаб, яхши дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Шундайгина ёнимизда ўзимизнинг санаторий-профилакторий жойлашган. Бу ерда ҳайдовчилар амбулатория усулида ёки ётиб даволаниб ўз соғлиқларини тиклашлари мумкин. Даволаш маскани асосан 60 кишига мўлжалланган бўлиб, бу ерда нафақат корхона ишчилари, балки уларнинг оила аъзолари ҳам келиб даволанишади. Бу ерда даволаниш учун йўлланмалар нархи 155 сўм бўлиб, шу ерда меҳнат қиладиганлар 20 сўмини тўлашади, қолганини эса корхона тўлайди. Даволаниш муддати 24 кун, ҳамма қулайликлар мавжуд.

Бундан ташқари касаба уюшмаси ҳисобига келган йўлланмалар ҳам ишчилар учун 30 фоизли қилиб белгиланган.

Бизда, агар бирорта ҳайдовчи ёки бошқа ишчи қарилик нафақасига чиқишдан олдин ишга ярамай қолган бўлса, улар енгил иш билан таъминланадилар ва то нафақа олгунларига қадар аввалги маошлари тўла сақланган ҳолда берилади. Яъни, аввалги иш жойида 300 сўм олиб енгил ишга ўтгач эса 100 сўм олиб қолган бўлса, орадаги 200 сўм фарқ корхона томонидан тўланади.

Ишчиларнинг фарзандлари учун ҳам «Автомобилист», «Дорожник» каби кашшофлар оромгоҳига йўлланмалар берилаяпти. Улар бу сўлим масканларга бориб дам олиб қайтмоқдалар.

Корхона меҳнаткашларининг дам олиш кунларини мароқли ўтказишлари учун Тошкент денгизига ва Чиноздаги «Автомобилист» дам олиш зоналарига 3 кунлик оилавий йўлланмалар беришни ҳам йўлга қўйганмиз.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

Тил билган—дил билади

Тошкентлик талабалар Хитойда ўқишади

ҲАЕТИМИЗГА тобора кенг кириб бораётган хўжалик ҳисобида иш юритиш, бозор иқтисодиёти шароитларига ўтиш янги сиёсий ва иқтисодий муносабатларни тақозо этмоқда. Ҳозир жаҳон иқтисодиётидан, маданияти, илм-фанидан ажралган ҳолда иш юритишни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Давр тақозоси билан хориждаги фирмалар, корхоналар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда, ширкатлар кичик корхоналар ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Бундай шароитларда хориждаги нуфузли дорилфунунларга талабаларимизни илм олиш учун юбориш муҳим ўрин тутади. Жумҳуриятимиз ҳукумати ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг республика ўқувчи-ёшларига ва мутахассисларига чет тилларни кенг кўламда ўқитиш системасини такомиллаштириш ва унинг моддий-техник базасини ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисидаги қарори чиқиши ҳам айни пайтда нур устига нур бўлди. Унда ўқувчи ёшларни ва мутахассисларни жаҳон фани ва техникаси ютуқларидан бевосита баҳраманд этиш, уларни хорижда кўплаб ўқитиш ва тажриба орттиришга юборишни йўлга қўйиш мақсадида жуда кўп тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шу мақсадларда Тошкент Давлат дорилфунунининг шарқшунослик куллиёти базасида пойтахт Давлат шарқшунослик илмгоҳи ташкил этилди. Унда шарқ тиллари ва адабиёти, халқаро иқтисодий алоқалар, тарих-иқтисод куллиётлари очилди. Менимча, қадимдан буюк ипак йўли орқали мустаҳкам алоқалар қилиб келган Хитой Халқ Республикаси билан маданий, илмий ва савдо алоқаларини янада мустаҳкамлашимиз келажак ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Тили ва дили бизга яқин Уйғуристон Мухтор Жумҳуриятидан Темур Давоматнинг келиши ва унга жавобан Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидовнинг Синьцзян-Уйғур мухтор районига таширифи бўюриши ҳам дўстлик ришталарини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Яқинда эса шарқшунослик илмгоҳи хитой тили бўлимининг 4 нафар талабаси тўрт йил муддатга Хитой Халқ Республикасига чуқур билим олиш учун жўнаб кетишяпти. Шу муносабат билан биз — талабалар билан суҳбатлашиб, уларнинг келажак режалари, ушбу тилни чуқур ўрганишдан мақсадлари қандай эканлиги ҳақида узоқ мулоқотда бўлдик. Келинг, яхшиси сўзни хитой тили ва тарихининг бўлажак мутахассисларига бериб, уларнинг фикрлари билан танишайлик.

Улуғбек ЗИЁДОВ: Биз аслида шаҳримизда хитой тили ўқитилаётган ягона 59-мактабда сабоқ олганмиз. Хитой тили бўлимига мактабимиздан 6 та бола бирга ўқишга кирдик. Ушбу тилни янада қизиқиб ўрганишимизда бўлим ишининг қизиқарли ташкил этилиши катта туртки бўлди. 1-курсда тажрибали ўқитувчимиз Мажид ака Маҳмудхўжаев бошчилигида хитой афсоналарини ўзбекчага ўгирдик. Хитой жумҳуриятига билимларимизни мустаҳкамлаш учун бораётганлигимиз эса нур устига нур бўлди. У ерда 1978 йилдан бошлаб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиляпти. Тажриба тариқасида 5 та жойда очиқ иқтисодий ҳудудлар ташкил этилгач, Хитой иқтисодиётида ижобий томонга сезиларли ўзгаришлар юз берди. Менинг мақсадим ҳам тилни мукаммал ўрганиш, ҳам уларнинг иқтисодий соҳадаги тажрибаларини бевосита ўрганиб, келажакда жумҳуриятимиз ҳаётига тадбиқ этиш.

Ҳикмат ОБИДОВ: Ҳақиқатан ҳам тарихи ва қадимги маданиятини олиб қарайдиган бўлсак Хитой буюк давлат. Мақсадим фақат тилини эмас, балки унинг иқтисоди, тарихини ҳам мукаммал ўрганиш, унинг ҳаётига чуқурроқ кириб бориш. Ҳозир Хитойда 7 та асосий шева бор. 1949 йилдан бошлаб эса путун хуа давлат тили чиқарилган. Ниятим фақат давлат тилини эмас, балки унинг шева ва диалектларини ҳам ўрганиб, кучли мутахассис бўлиб етишиш. Чунки ҳозир Иттифоқимизда ҳам, жумҳуриятимизда ҳам хитой тили мутахассисларига талаб катта. Азалий қўшни давлат билан келажакда алоқаларнинг янада ривожланиши кутилмоқда. Шу ишга озгина бўлса ҳам ҳиссамни қўшсам ўзимни ғоят бахтиёр ҳисоблардим.

Миробид ОРИПОВ: Мактабда ўқиб юрган кезларимда жўғрофия фани ва хитой фалсафаси орқали сиртдан Хитой Халқ Республикаси ҳақида тасаввурга эга бўлгач, унинг ҳаёти, маданияти ва тилини чуқур ўрганиш нияти туғилди. Мактабни тугатганимдан сўнг хитой тили бўлимига ўқишга кирдим. Ҳа, иероглифлар ва талаффуз қийин бўлса-да қизиқиш кучли бўлгач тилни ўрганиш мумкин экан. Мақсадим, Хитой ҳаётининг ҳамма томонлари билан бирга айниқса фалсафасини мукаммал ўрганиш. Чунки Конфуций, Лао Цзи каби файласуфларнинг асарлари қадимдан инсониятга зиё таратиб келади. Бизга эса уларнинг асарлари деярли номаълум. Келажакда хитой файласуфлари ҳикматларини аслидан ўгириб халқимизга тақдим этиш ниятим бор.

Рустам УМАРОВ: Хитойда ҳам биздаги қайта қуриш сингари ислоҳотлар ўтказилгач, унинг халқаро алоқалари жонланди, иқтисодиёти ривожланди. Келажакда Иттифоқимизда ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилиши кутилмоқда. Шу сабабдан Хитойдаги ислоҳотлар хатолари ва унинг ижобий томонларини мукаммал тадқиқ этиб, келажакда жумҳуриятимизни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ниятим бор. Ҳозирча ўз устимда мустақил ишлаяпман. «Хитойнинг иқтисодий ислоҳотлари босқичларида», «Янги Хитой қомуси», «ХХР-га 40 йил» каби китобларни мутолаа қиляпман. Истардимки, бизнинг жумҳуриятимизнинг иқтисодий ривожланиши ҳам Хитойникидек тезкорлик билан борса...

Ҳа, талабалар ҳам таъкидлаганидек, Хитой билан алоқаларимизнинг кучайиб бориши қувончлидир. Кейинги йилларда шаҳримизда «Тошинтерм» термос ишлаб чиқарувчи, Олмалиқда «Дўстлик» енгил саноат маҳсулотларини чиқарувчи Хитой-Совет қўшма корхоналари муваффақият билан ишга тушди. «Алгоритм» заводи қошида ҳам қўшма корхона тузиш режаси бор. 1992 йил январидан эса Тошкент — Урумчи маршрути бўйича поезд қатновини йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда. Тошкент, Чирчиқ ва Наманганда хитой тили ўқитиладиган янги мактаблар очилади. Биз Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг янада ривожланишининг тилакдошимиз ва у ерга яхши ният билан йўл олган иқтидорли талабаларимизга ҳам Хитой сафарида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТДА: Тошкент Давлат Шарқшунослик илмгоҳининг Хитойга илм ўрганиш учун кетаётган талабалари: (чапдан-ўнгга) Улуғбек Знёдов, Миробид Орипов, Рустам Умаров ва Ҳикмат Обидов.

Владимир Харитонов сурати.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ҚАНИ ЎША «МИТТИ»?

БУНДАН бир неча йил муқаддам «Машхлопок» бирлашмасининг СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош заводига қарашли махсус лойиҳа бўлими жамоаси кичик ҳажмли трактор лойиҳасини ишлаб чиқаришга киришган ва муайян вақт ичида бу масъулиятли вазифани шараф билан уддалаган эди. Ғайратли меҳнатнинг тугал самараси, маҳсули бўлган кичик трактор лойиҳаси тегишли идоралар томонидан маъқулланиб, юқори баҳоланди. Махсус лойиҳа бўлимининг ишлаб чиқариш майдони бўлмиш 22-тажриба-синов цехида ишчи хизматчиларнинг шижоатли меҳнатлари ихтирога ижодий ёндашувлари туфайли кичик тракторнинг дастлабки тажриба нусхаси тайёрланди. Унга «Митти» номи берилди. Янгиликнинг бевосита яратувчилари юзида қувонч чексиз эди.

Ҳақиқатан ҳам унга бир назар ташлашнинг ўзида кишида бу ажойиб ихтирога нисбатан илиқлик кайфиятини уйғотади. Ихчам, қулай «Митти»нинг барча кўрсаткичлари ҳам кишини лол қолдиради.

Қуввати саккиз от кучига тенг бўлган «Митти» албатта Ўзбекистон шароитида бебаҳо топилма бўлур эди. Тажрибасинов бўлинмасида тайёрланган тракторнинг дастлабки нусхаси қайсидир маънода буни исботлади ҳам. Чунончи у бирмунча вақт республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини безаб турди ва қишлоқ хўжалиги миришкорлари, яъни бевосита харидорларнинг олқишига, таҳсинига сазовор бўлди. Махсус лойиҳа бўлимининг ёш лойиҳачиси Рустам Носиров номига келаётган мактублар буни яна бир карра исбот қилмоқда. Хулласукалом, иқтисоднинг алифбоси талабига яраша таклиф принципининг замини яратилди. Бошқача айтганда кичик тракторга нисбатан республикамизда эҳтиёж мавжудлиги маълум бўлди. Айниқса жумҳурият Президентининг томорқа-ҳовлиларга қўшимча ер бериш ҳақидаги Фармонидан кейин унга бўлган талаб янада ўсиши турган гап.

Лекин истиқболи порлоқ янгиликни кўплаб ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмади. Сабаби кичик тракторни кўпайтириш учун зарур ва айнан шунга мос технологик ишлаб чиқариш қувватларининг йўқлигида. Мавжуд катта ҳажмдаги тракторларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик йўлларни ва қувватларни бошқатдан ўскуналаш учун ҳам, унга мўлжалланган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш учун ҳам корхонада маблағ йўқ.

Шундай қилиб бутун кучғайрат, шижоат ҳавога учди. «Миттини»ни яратишга кетган давлат маблағини айтмайсизми?

Ижодкорнинг уззукун, тиним билмай ўз кашфиёти, ихтироси маҳсулини кўриш йўлидаги меҳнатига бўлган тўғри муносабат шуми? Келажагимиз «меъморлари»га нисбатан ҳукм сураётган лоқайдлик қачонгача давом этади? Корхонанинг янги маҳсулоти «Митти» кичик тракторига бўлган талаб қачон қондирилади?

Ғани ЕСЕНОВ.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

С. И. СТРЕЛЬКОВ НОМИДАГИ 2-ПОЛИГРАФЧИЛАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЛИНОТИПИСТ, ҲАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТНИК, МУҚОВАЧИЛАР ВА ФОТО НАБОР ОПЕРАТОРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15—20 ЁШДАГИ 9—11 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синф маълумотига эга бўлганлар 3 йил, тажрибавий дастур бўйича 2 йил ўқитилиб, бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат ва 40 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирганлар учун ўқиш муддати 10 ой бўлиб, 116 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов ПОЛИГРАФИЯ, ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲЛАРИНИНГ ПОЛИГРАФИЯ БЎЛИМИГА ЎҚИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини яхши ва аъло баҳоларга тугатган ўқувчилар Тошкент полиграфия техникумига имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси давомида ўқувчиларга буюртмаларнинг бажарилишига қараб 50 фоиз ҳақ тўланади.

Билим юртида ўқиган муддат узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида 6 ойлик бичиш-тикиш курси, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юртига қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), соғлиги ҳақида ҳужжат (286/У формада), 6 дона сурат (3х4 см).

ЎҚИШ 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй. «СССР 50 йиллиги» метро бекатидан 33-автобусда, 11, 13-троллейбусларда «Бўржар кўприги» бекатигача борилади.

ШУБҲАСИЗ, КАСБНИНГ ЕМОНИ ЙУҚ АЛБАТТА

БИРОҚ ҚИМ БЎЛСАМ ЭКАН? «АГАР ИШЧИ БЎЛСАМ-ЧИ?»

Жуда яхши! У ҳолда Сиз бемалол Тошкент шаҳридаги

3-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ҚЕЛАВЕРИНГ:

бу ерда Сизга қизиқарли ва ноёб касблар ўргатишади. Электр газ пайвандчилар, саноат ускуналари ва автомобилларни таъмирловчи чилангарлар, техника назорати бўлими назоратчилари каби мутахассислар ана шу билим юртида тайёрланади.

Ушбу илм масканига тошкентликлар ҳам, бошқа шаҳарликлар ҳам қабул қилинадилар. 9-синфни битириб, ўқишга келганлар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 10 ой ўқийдилар (ана шу ўқиш вақти узлуксиз меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади).

Билим юртини битирганлар «Ташсельмаш» база корхонасида ва Тошкент шаҳридаги корхоналарда ишлайдилар.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади ва улар Тошкент шаҳрига қайд (прописка) қилинадилар.

11-синфни битирган ўқувчилар 110-116 сўм ҳажмида стипендия оладилар, 9-синфни битирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Барча ўқувчилар ўз қизиқишлари бўйича тўгаракларда ва спорт секцияларида шуғулланишлари мумкин.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар; ариза, маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, турар жойидан маълумотнома.

Манзилимиз: 700050, Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари билимгоҳи» бекати; 21, 49-автобусларнинг «3-ҳунар-техника билим юрти» бекати). Маълумотлар олиш учун телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ НЕГИЗИДАГИ 14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчи, «С» тонфали ҳайдовчи. Ўқиш муддати — 3 йил; **электр газ пайвандчи; чилангар-сантехник-газ пайвандчи; автомобилларни таъмирловчи чилангар; универсал-токарь; қўлда пайвандловчи электр пайвандчи.**

9-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — ўрта маълумот олиш билан 3 йил, ўрта маълумот олмаган ҳолда эса 2 йил.

11-синфни битирганлар учун ўқиш муддати барча ихтисослар бўйича 10 ой.

Совет Армияси сафларидан қайтиб келганлар 6 ой ўқийдилар ва ойига 150 сўмдан стипендия оладилар.

9—11-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигитлар қабул қилинади.

Ўқиш даврида 3 йиллик гуруҳларининг ўқувчилари 2 маҳал бепул овқат, иш кийими, кундалик ва кўчалик кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек ойига 40 сўм ҳажмида стипендия оладилар.

Билим юртини битирган ўқувчиларга ўрта маълумот ва касб ҳақида диплом берилади.

Ўқиш муддати 1 йиллик гуруҳларнинг ўқувчиларига ойига 80 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга 50 фоиз иш ҳақи берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга битирганларга олий ўқув юртига кириш пайтида имтиёз берилади, яъни улар билим юртини битиргандан кейинги мажбурий ишлаб беришдан озод қилинади.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

БИЛИМ ЮРТИ БИТИРУВЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ КОРХОНАЛАРИДАН БИРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона ва бутун ўқиш даври учун прописка билан таъминланадилар.

Билим юрти қошида у-шу, таэквондо тўгараклари, вокал чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (аттестат), тавсиянома, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва саломатлиги тўғрисидаги 086/У шаклдаги маълумотномалар, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 73-алоқа бўлими, Ҳамза районы, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68э, 37э автобуслар, 5-, 26-трамвайларнинг ёг-мой комбинати бекати 15-, 26-, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати)

Телефон: 91-33-94.

Нуриддин МУҲИТДИНОВ:

«ОНА ШАҲРИМ — ТОШКЕНТ»

— Нуриддин Акрамович, «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 7 август сонидаги Сиз билан суҳбатимизда Тошкент тарихи хусусида батафсил гаплашган эдик. Мулоқотни давом эттирсак...

— Дастлаб шаҳримизни обод қилиш, кўркамлаштириш бобидаги қарорлар ҳақида сўз юритай. Қарорлар қабул қилинган, ҳозир ҳам қабул қилиняпти. Фикримнинг исботи учун эллигинчи йилларда амалга оширилган баъзи юмушларни айтиб ўтсам.

1952 йил февраль ойи бошида бизни — бир гуруҳ раҳбар ходимларни: мени, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи котиби Р. Е. Мельников, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Рудин, Давлат режа қўмитасининг раиси С. Зиёдуллаев ва бошқа мутахассисларни Марказий Комитет бюроси жумҳуриятда йиғилиб қолган, ҳал бўлмаган муаммоларни ҳал қилиш, чора-тадбирлар белгилаш учун Москвага юборди.

Ҳужжатлар ўнтача эди. Ҳар бирига А. Э. Ниёзов ва мен имзо чеккан эдик. Москвага бориб, КПСС Марказий Комитети бўлимларида, СССР Вазирлар Кенгашидаги ўртоқлар ҳузурида бўлиб маслаҳатлашдик. Улар ҳужжатларни маъқуллашди.

Кремлдан Эски Майдон (КПСС Марказий Комитети жойлашган майдон)га пиёда бордим. Маленковнинг ҳузурида амалий суҳбат бўлди. У ҳужжатларнинг ҳаммасини кўриб чиқиб, СССР Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Первухинга, Марказий Комитет бўлим мудирлари Козлов ва Кузьминларга қўнғироқ қилиб, мен қўйган масалаларни яхшилаб тушунтирди.

7 февраль куни КПСС Марказий Комитети Ташкилий Бюросининг мажлиси бошланди. Раислик қилаётган Маленков менга сўз берди. Қисқача Ўзбекистондаги аҳвол ҳақида гапирдим.

— Қўйилган масалалар тўғрисидаги саккиз лойиҳа қўлингларда. Қандай фикрлар бор? — сўради Маленков мажлис аҳлидан.

— Қабул қилайлик, — деди Марказқўм котиби П. К. Пономаренко.

Раислик қилувчи «Қаршилар борми?» деб сўради. Ҳеч ким қарши бўлмади. Менга қараб:

— Яна нима илтимосингиз бор? — деб сўради.

Мен: «Шу қарорларни ўзим билан олиб кетсам яхши бўларди» дедим. Маленков ишлар бўлими мудири Сухановга дарҳол ҳужжатларни тайёрлашни буюрди.

Икки кундан кейин, меҳмонхонада ўтирсам СССР Вазирлар Кенгаши ишлар бўлими мудири Помазнев қўнғироқ қилиб қолди. У «Ўртоқ Сталин ҳужжатларга қўл қўйдилар, ҳозир уларни сизга етказамиз» деди. Дарҳақиқат икки соатдан кейин бир ҳарбий қизил пакетни менга топширди. Имзо чекиб, қабул қилдим.

Ҳужжатларни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумида муҳокама қилдик. Пахтани, пиллани, қоракўлнинг баҳосини 2—3 баравар ошириш, жамоа ва давлат хўжаликларида йиғилиб қолган бир неча миллиард қарзларни кечиб юбориш, жумҳуриятда халқ таълимини тубдан яхшилаш, элликдан зиёд янги мактаб бинолари қуриш, бир неча олий ўқув юртлари очиш, жумҳурият капитал қурилиши учун маблағ, қурилиш анжомлари, техника воситалари бериш ва ҳоказолар ҳақида зарур қарорлар қабул қилдик.

— Қарорларда Тошкент ҳақида ҳам сўз юритилгандими, Нуриддин Акрамович?

— Тошкентни ободонлаштириш ҳақидаги (15.УП.1952 йил, 1366-сон) қарорда мана нималар бор эди:

1. Шу йилнинг ўзида капитал қурилишга ажратилган бюджетдаги маблағга 9,6 миллион сўм қўшилсин. Шундан 4 миллиони кўчаларни асфальтлашга; 500 минг сўми канал устига кўприк қуришга; 1 миллиони шаҳарни қайта қуришга; 2 миллион 100 минг сўми Қибрай водопроводи сув омборини қуришга; 750 минг сўми 2 та болалар муассасаси қуришга; 1 миллион 750 минг сўми эса механизация, трамвай, троллейбус, автомашиналар сотиб олишга ажратилсин.

2. Йўллар вазирлиги Паркент ва Луначарский шосселарида йўл айиргичлар қурсин, 1954 йилда эса янги Тошкент вокзали қурилишини бошласин.

3. Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги 1953 йилда Тошкентда 10 та трансформатор нуқталари ва 10 километрлик линиялар қурсин, шаҳарда янги 35 киловаттлик подстанция қуриб, ишга туширишни таъминласин.

4. Тошкент шаҳри эҳтиёжи учун троллейбуслар, бульдозерлар, автомашиналар, дастгоҳлар, компрессорлар, насослар, темир қувурлар, рельслар, симлар ажратилсин.

5. Тошкент шаҳар ижроия комитети ихтиёрига 15 та юк, 5 та енгил автомашина ажратилсин.

Тошкент ҳақидаги иккинчи ҳужжат «Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа саноат марказларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақида»ги қарор (№391) 1953 йил 10 февралда қабул қилинган. Унда Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Самарқанд, Фарғона, Марғилон шаҳарларини етарли даражада гўшт, ёғ, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун баъзи районларга пахта ва бошқа техник экинлар экиш ман этилиб, чорва ва сабзавотга ихтисослаштириш ҳақида сўз боради. Шу қарордан кейин Калинин, Қорасув, Оҳангарон, Оржоникидзе, Пискент, Бекобод, шунингдек Фарғона вилоятидаги Охунбобоев, Тошлоқ районлари сабзавот, чорва районларига айлантирилган эди. Қарорда фақат Тошкентгина эмас, бошқа шаҳарларга ҳам ғамхўрлик ифодаси бор эди.

— Халқимизда «Ваъда вафоси билан» деган яхши ҳикмат бор. Агар мумкин бўлса, юқоридаги қарорлар ҳаётга қай даражада тадбиқ этилди, Тошкент қиёфасида қандай из қолдирди, шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Юқорида фақатгина икки қарорни кўриб чиқдик. Бу қарорларнинг кўп қисми бажарилди.

Халқимизда яхши ҳикмат борлигини айтиб ўтдингиз. Мен халқимизда ҳашар деган яхши удум борлигини ҳам таъкидласам. «Пахтакор» ўйингоҳини Тошкент аҳли, ҳалқимиз ҳашар йўли билан битирди. Майдони 70 гектар келадиган ўйингоҳ 1954 йилда қурила бошланиб, 1956 йилда битказилди. У Физкультурачилар куни — 12 августда тантанали суратда очилди. Шу муносабат билан 11 август куни кечқурун 60.000 киши иштирокида стадионда йиғин бўлди. Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси М. Т. Турсунов, шаҳар партия комитети биринчи котиби Р. Ғ. Ғуломовлар сўзга чиқишди. Суворовчи В. Кудрявцев, дурадгор А. Семёнов, бригадир В. Олимжоновлар ҳам юрак сўзларини айтишди. Йиғин охирида мен сўзга чиқиб, қурувчиларга, жумҳурият аҳолисига раҳматлар айтиб, байрам билан табрикладим. Ўйингоҳга «Пахтакор» номини беришни таклиф қилдим. Ҳамма маъқуллади.

1954 йили 14 январда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Ўрта Осиёда биринчи телемарказни қуриш режасини тасдиқлади. Шу мақсадларга 62 миллион сўм ажратилди. У жуда тез қуриб битказилди. 1956 йил январида телемарказ бошлиғи қилиб Марзия Абдуллаева тасдиқланди. У Ўзбекистон тарихидаги биринчи муҳандис электрик аёл эди!



1957 йили 6 ноябрь куни соат 11 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида Абдулла Қодирийнинг муборак номини тиклаш ҳақида, унинг барча асарларини босиб чиқариш ҳақида карор қабул қилинди. Бюро мажлиси ёпилгач, ҳаммамиз Шайҳонтовурга келдик. Телемарказни тантанали суратда очдик.

1957 йил 28 декабрда, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллик тантаналаридан кейин Тошкент аэропортининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбеклар хонадонида чинни буюмларнинг қанчалар зарурлигини биласиз. Бу каби рўзғор ашёлари бизда етишмасди. Ленинград чинни заводи муҳандислари ёрдамида Тошкент чинни заводи қурилишини бошлаб юбордик. Қурилиш ишларига шаҳар ижрокоми раиси Ҳусанов бошқош бўлди.

Шаҳар ҳақидаги суҳбатимизда, албатта, айтишимиз керак: 60—80-йилларда ҳам шаҳарда қурилиш авжида бўлди, жуда кўп ишлар қилинди. Метро, бошқа баланд иморатлар бунёд этилди. Аммо асосий мақсадимиз — шаҳарни эски ва янгига бўлишдек колониализмдан қолган иллатга етарли барҳам беролмадик. Бунга сабаб, асосан, иккита деб ўйлайман. БИРИНЧИСИ: Ўзбекистон жумҳурияти ва Компартияси 1924 йилда Бухорода тузилган эди. Ўша вақтларда пойтахт Самарқандда бўлди. 1929—1930 йилларда пойтахт Самарқанддан Тошкентга кўчирилди. Партия, совет, жамоат идоралари марказдаги бор иморатларга жойлашди. Янгилари ҳам асосан шуларнинг атрофида қурилди. Эски шаҳар етарли эътиборга сазовор бўлмади. ИККИНЧИСИ: 1966 йилда бўлган зилзилада вайроналиклар, қурбонлар катта бўлди. Улар ҳам асосан шаҳар марказида юз берди. Тўғри, уйлар қурдик. Москва, Ленинград, Киев сингари катта шаҳарлардан қурувчилар келишди, тошкентликлар учун ҳашаматли уйлар қуриб беришди.

1986 йили узоқ айрилиқдан кейин қайтиб келибоқ она шаҳримни айланиб кўрдим. Одамларнинг яшаш шароитларини, аҳволини, турмуш даражасини кўриб, кўп қайғурдим. Нақотки, совет тузуми етмиш йилдан бери барқарор бўлсаю, бундай мушкулотлар охиригача барҳам топмаса! Узоққа қаватлик: Чорсудаги 18 қаватли «Москва» (ҳозир номи «Чорсу») меҳмонхонасининг атрофига бир қаранг. Кишининг юрагини эзадиган манзара! Бунинг устига эски шаҳар атрофига заводлар қуриляпти. Улар керагу, лекин халқ соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ёздаку, баҳарнав, бир гап бўлар, қишда-чи?

Жумҳуриятнинг, қолаверса шаҳарнинг янги раҳбарлари ҳам бу воқеалардан безовта эканлар. 1989 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати, Вазирлар Кенгашининг қарори қабул қилинди. Унинг асосий қисми Эски шаҳар деб аталадиган мавзени ободонлаштиришга қаратилди.

Қарорнинг 2-бобида шаҳарнинг тарихий тузилиши, иморатлар, биноларни тезда таъмирлаш, жумладан, 2000 йил аввалги Шаҳристонни қайта тиклаш, йўллар, имкон борича уй-жойлар аввал қандай бўлса ўша ҳолга келтириш таъкидланган.

— Нуриддин Акрамович, Эски шаҳарнинг қиёфаси етарли ўзгармаслигига сабаб нимада деб ўйлайсиз?

— Илгари бирмунча олижаноб қарорлар қабул қилинган. Лекин, менимча, ҳамма гап уларни амалга оширишда. Афсуски, улар тўла бажарилмади. Ундан ҳам ачинарлиси, шундай даврлар ҳам бўлдики, айрим янги раҳбарлар аввалги ишни давом эттирмай янгидан иш бошлашга ҳаракат қилди. Мана, бир мисол. 1960 йилнинг ўртасида жумҳурият Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасини Чимбой атрофига қуриш мўлжалланди, жой ажратилди, йўллар қурилди. Троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Лойиҳа тасдиқланди. Халқ хурсанд эди. Бироқ олтмишинчи йилда, иш қизғин вақтида тўхтатиб қўйилиб, кўргазма «Ғалаба» боғига кўчирилибди. Кўргазма ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган даражада эмас. Бунинг устига хиёбоннинг ярми банд. Меҳнаткашлар кўнгилдагидек дам ололмаётибди.

Октябрь бозорининг тарихи адашмасам 1000 йилларга борар. Бозор сифатида у ҳурмат-иззатга сазовор бўлган. Ҳамманинг ҳожати шу бозорда ҳал бўлган. Қўшни жумҳуриятлардан келадиганларнинг оёғи узилмасди. Хуллас, бозор қардошлик, савдо ўчоғи эди, десам адашмайман. Уни қайтадан қуриш заруратини тушунаман. Аммо гумбазли бозор бизга зарурмиди? Бу каби бозорлар бошқа шаҳарларда, бошқача иқлимларда қурилади.

Мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қуриш керак, энг муҳими, халқни ўйлаб, унинг шароитини яхшилашни режалаб, иш қилинса, савоб ҳам бўлади.

— Маршал Жуков Тошкентнинг фахрий фуқароси бўлганми?

— Фахрий фуқаролар иккита. Биринчиси, тўғри айтдингиз Георгий Константинович Жуков.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети илгари Гоголь кўчасидаги чоғроқ бинода жойлашган эди. Биз янги бино қуриш керак деган фикрга келдик. Кўп жойларни кўрдик, охири Тупроққўрғонда тўхтадик. Бу таклифни амалга ошириш — эски мустамлака тузумнинг қолдиғини йўқотиш билан баробар эди. Бизга ҳамроҳ бўлган Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал П. Лучинскийдан:

— Шу жойни бизга берасиз, — деб сўрадим. У аввал «йўқ» деди, кейин, «Буни Мудофаа вазири Жуковдан сўраш керак» деди.

Кечқурун Георгий Константиновичга қўнғироқ қилдим. Анча суҳбатлашдик. Охири «Тупроққўрғонни олаверинг» деб жавоб берди (иккковимиз дўст эдик, шу дўстлик ҳам қўл келди чоғи). Хурсанд бўлиб, кечки таомга ўтирсам, Лучинский қўнғироқ қилиб: «Қабул қилсангиз», деди. «Келинг», дедим. Бироздан кейин важоҳат билан кириб келди. Таомга таклиф қилдим, зўрға стулга ўтирди. Иккиуч қадаҳ шаробдан кейин, сал ўзига келди.

— Хўш, нима гап? —сўрадим.

— Ҳозир Жуков телефон қилди... «Тупроққўрғонни топширинг, ўша ердаги қурилишларга ёрдам беринг», деб буйруқ берди.

Иккковимиз яна қадаҳ кўтардик. Бу гал Жуковнинг соғлиғига ичдик.

1957 йилда Г. К. Жуков Ҳиндистонга кета туриб Тошкентда тўхтади. Шаҳарни зиёрат қилди. Жуда хурсанд бўлди. «Қандай ёрдам керак бўлса, тайёрман», деди. Тупроққўрғонни ана шундай «забт» этганмиз.

Тошкентнинг иккинчи фахрий фуқароси бу академик И. В. Курчатов. У Улуғбек посёлкасидаги ядро физикаси илмгоҳи қурилишига бош бўлган эди.

Тошкент ҳақида гапирилар экан, бу ерда қадимдан улуғ давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари камол топганликлари, улар маданият ва мафкура соҳасида қандай ишлар қилишганини эслашимиз керак. Бу виждоний бурчимиз.

Кимни тошкентлик деймиз? Аввало, шу ерда туғилиб ўсганларни! Шу билан бир қаторда қимлиги, миллати қаерданлигидан қатъий назар шаҳарда яшаб, эл-улус ғамида ёнаётганлар ҳам ҳамшаҳарларимиздир.

Мен маҳалла ҳақида ҳам сўзламоқчиман. Тарихга бир назар ташланг: нимаики гап бўлса маҳаллаларда ҳал бўлган. Уларга тадбирли, оқил, ҳурматли оқсоқоллар етакчилик қилган. Бизнинг миллий анъаналаримиз, халқнинг бўйи-бастини кўрсатадиган жой — маҳалла. Чунки маҳалла яхши-ёмон ҳам, умид-орзу ҳам ўртада бўлади. Кишилар бир-бирларини суяйди, қўллайди, тарбиялайди. Демак, Тошкентни бундан ҳам обод қилиш тарафдоримизми, биринчи навбатда маҳаллаларга катта эътибор беришимиз керак. Юрагим тубида ётган гапларим шулар.

Менга оқ йўл тилаб кузатган, оқ фотиҳа берган ҳамиша она шаҳрим, она юртим бўлди. Тошкент, она юртим, халқим берган оқ фотиҳани оқлаш учун доимо ҳаракат қилганман.

30 йил дунё кездим. 30 йил Тошкент, эл-юртим қаерда бўлсам ҳам юрагимда чироқдек ёниб турди. Менда ҳам бошқалардек хато, камчиликлар бўлган. Лекин қаерда бўлсам ҳалол яшадим, ҳалол ишладим. Она шаҳримга ёруғ юз билан кириб келдим. Бу мен учун катта бахт. Умримнинг охиригача бутун куч-қувватимни, қобилиятимни, қалб қўримни эл-юртимга, халқимга бахшида этаман. Қандай ҳалол яшаган бўлсам, шундай яшаш учун интиламан. Бу менинг чексиз муҳаббатим ифодаси!

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

Ўқув йили тараддуди

ҲАЁТ ТАЖРИБАЛАРИ АСОСИДА

СОБИР РАҲИМОВ районидаги 22-ўрта мактаб жамоаси янги ўқув йилини бир қанча ижобий ўзгаришлар билан бошлаб ўқиш-ўқитишни сифатли, давримизга мос тарзда олиб боришни режалаштирмоқда.

— Мактабимизда янги ўқув йилидан бошлаб бошланғич синфларда ўзбек тилини, чуқур ўргатишга алоҳида эътибор берилади, — дейди мактаб директори, СССР халқ ўқитувчиси Ҳакимжон Ҳошимов. — Жумладан, муаллима Маҳбуба Убайдуллаеванинг «Марказлашган пульт асосида кўргазмали ўқув қуролларидан фойдаланиш» мавзуидаги, ўқитувчи Муҳаббат Саидорипованинг эса «Ўқувчиларни оғзаки нутқини ўстиришда кўргазмали ўқув қуролларидан фойдаланиш» мавзуидаги иш тажрибалари ўрганилади. Булардан ташқари, юқори синф ўқитувчилари Ўткир Мақсудов (информатика), Мавжуда Раҳимова (математика), Қурбон Ўсанов (тарих) ва кимё ўқитувчиси Абдулла Қодировлар ишлаб чиққан дарснинг янгича шакл ва усулларидан фойдаланилган илғор иш тажрибалари ўзлаштириб борилади.

Мана, ўттиз беш йилга яқин вақтдан бери бу мактабда араб тили ўқитиб келинади. 1960 йилдан эса бу тил чуқур ўрганиладиган фан сифатида ўргатиладиган бўлди. Янги ўқув йилида 2-синфдан бошлаб араб тили дарсини махсус программа асосида олиб бориш режалаштирилган. Дастур бўйича араб мамлакатларининг тарихи, маданияти, урф-одати, ўзаро алоқалари, Ўрта осиёлик буюк алломаларнинг араб тилида ёзилган бебаҳо асарлари ўргатилади.

Ҳозирга қадар 8-11-синфларда араб тили дарсларининг маълум соатларида эски ўзбек ёзуви ўргатилиб келинмоқда эди. Янги ўқув йилида бундай сабоқни қуйи синфлардан бошлаб олиб бориш режалаштирилди. Бу эса келгусида мактабни тамомлаган ўқувчиларнинг бошқа мактабларда «Эски ўзбек алифбоси ва ёзуви»дан сабоқ беришларига имкон яратади.

Янги ўқув йилидан бошлаб «Одобнома» дарсларида Ўрта осиёлик буюк алломаларнинг ахлоқий тарбияга оид асарларидан, жумладан, ҳикоя, эртак ва ривоятларидан ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, жамоатчилик, маҳалла фаоллари, бобрў отахонлар, мактаб яқинида истиқомат қилувчи машҳур тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусаввир Самиғ Абдуллаев, ҳайкалтарош Омонулла Азизов, ака-ука ўймакор уста Ашуровларнинг ҳаёт тажрибалари асосида улар билан қизиқарли суҳбатлар уюштириш мўлжалланган.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

ЯНГИ УСУЛДА ЎҚИТИЛАДИ

Тошкент шаҳар Киров районидаги В. В. Кузнецов номли 5-сонли ўрта мактабда ҳамма нарса янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди. Биринчи сентябрь куни бу ерда мингдан кўпроқ ўқувчи машғулотга киришади.

— Бошланаётган ўқув йилининг алоҳида хусусиятларидан бири шундаки, ўзбек тили бизда группавий усулда ўқитилади, — дейди мактаб директори Т. М. Бобоева. — Олти группа тузилди, уларнинг ҳар бирида 15 нафар ўқувчи шуғулланади, махсус ўқув хоналари жиҳозланди. Ўқувчиларда ўзбек тилида амалий муомала қила билиш кўникмаларини ҳосил этишга алоҳида эътибор берилади. Турли қизиқарли ўйинлар, синфдан ташқари машғулотлар шу мақсадга хизмат қилади. Группаларда тажрибали ўқитувчилар дарс берадилар. Улар билан ёнма-ён кечагина олий ўқув юртини битириб чиққан ёш мутахассислар ишлайди.

(ЎзТАГ).

Янги ўқув йили бошланишини ҳамма интиқиб кутаяпти. Айни шу кунларда ўқитувчилар ўз ўқувчилари билан учрашиб, уларнинг умид-орзулари ҳақида дилдан суҳбатлашишмоқда.

СУРАТДА: Ҳамза районидаги 230-мактаб ўқитувчиси Гулнора Носирова ўқувчилари билан мактабни кўздан кечиришмоқда.

Равиль Альбеков сурати.

Энг, энг, энг...

БОЗОР ОЧИҚ ДАРСИ

ЧЕЛЯБИНСК. Челябинск саноат-мол биржаси бозор муносабатлари юзасидан очиқ дарс ўтказди. У ташкил этган савдода давлат корхонаси ёки кичик бизнеснинг ҳар қандай вакили биринчи марта қатнашиши мумкин бўлди. Икки ойдан кўпроқ иш давомида 200 миллион сўмликдан кўпроқ битим имзоланди. Болтиқбўйи, Қирғизистон, Нижний Новгород, Хабаровск, Қарағанда биржалари билан воситачиларнинг ўринларини алмаштириш одат тусига кирди.

МАВСУМГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛДИ

ВЛАДИКАВКАЗ. Шимолий Осетия корхоналари янги сабзавот ва мева ҳосилидан маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Кавказ диёрида етиштирилган мўл ноз-неъматлари комбинатлар, заводлар ҳамда ихтисослашган цехларнинг қабул пунктларига келтирилмоқда. Корхоналар хом ашё сифатини яхшилаш, нобудгарчиликни камайтириш мақсадида колхозлар ва совхозлар билан биргаликда ҳосил йиғиштириб олинадиган ерларда маҳсулотга дастлабки ишлов берувчи қабул пунктлари тармоғини ташкил этдилар. Шимолий Осетия озиқ-овқат саноати сабзавот ва мева маҳсулотларини қайта ишлаш мавсумига жиддий тайёргарлик кўрди. Юз миллион банкадан кўпроқ қирқ хил шифобахш маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда.

ЯНГИ РЎЗНОМАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ДОНЕЦК. Донбассда «Агростройи» номи билан рўзнома чиқа бошлади. Уни Донецк «Облагростройи» уюшмаси нашр этмоқда. Рўзнома олдига ўз мақолалари билан қишлоқни қайта тиклашга, қишлоқ аҳли турмуш даражасини оширишга, уларни ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашиш вазифаси қўйилган. Биринчи сондан асосан қишлоқда турли иншоотлар бунёд этилишини қандай тезлаштириш мумкин, «Днепр — Донбасс» канали қурилиши нега тўхтаб қолди, меҳнати оғир жойларда аёллар ишчи кучидан фойдаланишдан қандай воз кечиш мумкин деган саволларга жавоб берадиган материаллар ўрин олган.

(ТАСС).

АЛДАН ОЛТИНИ

Ёқутистон ССР. «Алдан олтин» комбинатининг «Прогресс» артели саноатдан олтин қазиб олиш билан шуғулланиб, ўзининг бир ярим миллионлик аъзоларининг ҳар бири билан ҳам худди комбинат сингари шартнома асосида иш юритади. Сўнгги йилларда барча шартномавий муносабатларда мавжуд қийинчиликларга қарамай, артел узлуксиз равишда режани ортиғи билан уддалаб келмоқда. Лекин юқори ташкилотлар «Ёқут-олтин» бирлашмаси ёки ундан ҳам юқорироқ бўлган Иттифоқдаги «Главалмазолото» бирлашмалари ҳам артелчиларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмайди, улар ишлаб чиқарган қимматбаҳо металларга лойиқ нархлар ҳам қўйилмайди. Техника ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, маданий-маиший объектлар қурилиши учун ҳам уларга пул ажратилмайди, барча нарсаларни улар ўз пулларига сотиб олишади. Хўш, ана шундай мушкул иқтисодий шароитда артелчилар қандай кун кўришаяпти, деган ҳақли савол туғилади. Унинг жавоби оддий, яъни улар яна ўша олтинни режадан кўпроқ ишлаб чиқариш, моддий базани кенгайтириш имконини берган ойлик режаларнинг ошиғи билан бажарилиши орқалигина кун кўришаяпти. Лекин ҳозирги шароитда уни уддалашнинг ҳам ўзи бўлмайди.

Албатта, ҳар бир ишчи бу ерга яхшироқ ҳаёт кечириш, моддий турмушини яхшилаш ниятида келади. Унга эса фақат машаққатли жисмоний меҳнат туфайли эришишмоқда. Иш мавсуми йил мобайнида 6—8 ойга чўзилади. 11—12 соатли оғир қўл меҳнатидан сўнгтина артелчиларга пул берилади. Иш мароминнинг аниқ ташкил этилгани ҳам улар меҳнатининг унумли бўлишида муҳим омил бўлаяпти. Бу ерда ҳамма бир қозонда қайнайди, мавсум сўнггида ҳар бир ишчи меҳнатига яраша 10—15 минг сўмгача ҳақ олади. Яхши ҳақ олувчиларнинг энг қийин иш жойларида прогулсиз ишлаши талаб этилади.

Ишчиларнинг ҳар куни меҳнати ҳисобга олиб борилади. Режа ва унинг уддалаш ҳам ҳамма-ҳаммаси мана шу қилинган меҳнатдан келиб чиқади. Бутун мамлакатни олтин билан таъмин этган артелчилар бу қийин ва шарафли ишни муваффақият билан уддалашмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Прогресс» артели геологи Артур Шелудьков. 2. Артелчилар олтин топилмаларини ювувчи насос ўрнатишмоқда.

Н. Никитин (ТАСС) сурати.

Бугун — Совет киноси куни

АНЪАНАЛАР УНУТ БЎЛМАСИН

Кинони миллионлар санъати, дейдилар. Шу боис бугун биз кинематографчиларнигина эмас, томошабинларни ҳам байрам билан табриклаймиз. 20—30-йилларда кино кунигина эмас, ҳар бир экран асари яратилган кун байрам қилинган. Аэроплан-лардан сочилган варақалар, рўзнома ва ойномалар саҳифалари, радио эшиттиришлари мазкур фильм бунёд этилганидан кўпчиликни воқиф этган. Эндиликда бундай анъаналар унут бўлди. Фильм суратга олиниши воқеа сифатида баҳоланмай қўйди. Лекин бақувват экран асари пайдо бўлганида шов-шувларга сабаб бўлиши, кинотеатр олдида навбат кутиб турувчилар жазирама иссиқда ҳам, қор, ёмғирда ҳам туриши бизни қувонтиради, ҳам ўйлантириб қўяди. Халқимиз турмуш ташвишлари билан қанчалик банд бўлмасин, ҳақиқий санъат асари билан учрашишга, ундан баҳраманд бўлишга, ўзининг эстетик эҳтиёжини қондиришга интилиши кино аҳлининг билими чуқур, истеъдоди серқирра бўлишини, маҳорати ҳамиша сайқал топиб боришини тақозо этади. Шунинг учун ҳам бугун ҳамкасбларимизни, кино мухлисларини муборакбод этиш билан чекланиб қолмасдан, кинематографиянинг ўтмиши ҳамда ҳозирги аҳволи билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар юзасидан фикр юритишга аҳд қилдик.

БАРҲАЁТ МЕРОС

МИЛЛИЙ кинематографиямизнинг туғилиши, темир қанот ёзиши, доврўғи оламга таралиши ҳақида ўйлаганимда, рисола битганимда ҳамиша биргина хулосага келаман. Бизнинг кинода ўз халқини севган, касбига меҳр қўйган, ноёб истеъдод соҳиблари ижод этганлар. Улар фақат ўткир санъаткор бўлибгина қолмай, аввало чин инсон эдиларки, бу ҳолни ҳозир таъкидлаб ўтиш айниқса зарур кўринади.

Миллий кино санъатимизнинг пойдевори қад кўтаришида ҳал қилувчи омил Наби Ғаниевнинг жўшқин фаолияти бўлганини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди. У иттифоқ миқёсидаги юксак унвонлар билан тақдирланмади. Уни ҳаттоки Коммунистик партия сафига олишга журъат этмадилар. Наби Ғаниев партияга ўтиш ҳоҳишини билдириб ёзган аризасига ижобий жавоб ололмади. Лекин у «Шарқ юлдузи» кино ширкатининг биринчи директори, биринчи актёри, биринчи режиссёри, биринчи драматурги сифатида оғир, ниҳоятда машаққатли, лекин ижодий завқ берадиган иш билан банд бўлди. У тўрт фарзанднинг отаси; севикли ёри Маҳсума хонимнинг умр йўлдоши, маслаҳатчиси сифатида обрў қозонди. Тоҳир ва Зуҳра, Хўжа Насриддин билан бир қаторда фарғоналик қиз Дилбарнинг илк севгиси, юрак даъвати, юксак интилишлари ҳақида экранда ҳикоя қилди. Табиийки, бу ҳикоя экран санъати қонун-қоидаларига биноан олиб борилди.

Бундай ижодий ҳамда ташкилий ишларни олиб бориш осон бўлмади. Кино ширкатининг маблағи чекланганлиги, техника танқислиги (кино эстетикаси техникага қанчалик боғлиқлиги барчага аён), миллий ижодий ходимларининг йўқлиги ширкат раҳбари, режиссёрининг ишини қанчалик мураккаблаштирганини тасаввур этиш қийин эмас. Бугина эмас, Наби Ғаниевни туҳматчилар хатига биноан ҳибсга олиш, узоқ сўроқ қилиш, аҳил оилали, ёру дўстларидан жудо этиш қанчалик азоб келтирган...

У «Ўтган кунларни экранга кўчириш ниятида юрганда авахтага олинган. Айтишларича (масалан, Йўлдош Аъзамовнинг ҳикоясига биноан), режиссёр Отабек ролини Сулаймон Хўжаевга топшириш ниятида бўлган-ки, бу фактнинг ўзи Наби Ғанизоданинг (20-йилларда ёзилган мақолаларига у шундай имзо чеккан) нозик диди, истеъдод учқунларини кўра билиши ниҳоят ижодий жасоратини кўрсатади. Сулаймон ака дўстининг топширигини бажара олмади. У «Тонг олдида» фильми учун қамалди, сўнгра отилди. Ҳамкасб дўстлари фарёд чекдилар, тезда ўзлари ҳам шу аҳволга тушдилар. Уларнинг бири отилди, иккинчиси қамалди, яна бири ижод этиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлдилар. Аслида эса драматург, режиссёр ва актёр С. Хўжаев Туркистонда 1916 йили бўлиб ўтган фожиали воқеалар ҳамда унинг қурбонлари ҳақида зўр эҳтирос билан ҳикоя қилган эди, ватандошлари «Тонг олдида» кечирган ҳаётлари нақадар оғир, машаққатли бўлганини таърифлаган эди. Ўша тарихий воқеаларнинг сўнгги қурбони ўзбек ўғлони, улкан заковат соҳиби Сулаймон ака Хўжаев ёзолмаган сценарийлар, қўйишга муваффақ бўлмаган фильмлар, ўйнамаган роллар қанчадан қанча эди.

Бугун кино байрами куни маданиятимизнинг шундай заҳматкашларининг жўшқин фаолиятини, жасоратини тилга олишни бурчимиз деб билдик. Қатағон этилганлар орасида кинематографиямизнинг бошқа арбоблари ҳам бор эди. Улар Борий Ҳайдаров, Эргаш Ҳамроев кабилар — санъатимиз бахтига, бизнинг бахтимизга авахтада азоб чекиб, беҳисоб сўроқлардан толиқиб уйларига, севган касбларига қайтдилар ва бизга тенги йўқ сценарийлар, фильмлар, ижро этилган ролларни мерос қилиб қолдирдилар. Бугун уларнинг оилалари, ёру биродарларини ҳам муборакбод этамиз ва экранимиз зийнати деганимизда шундай кучли шахслар, шундай истеъдодли кишиларни назарда тутишимизни миллионларга айтгимиз келади.

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

БУГУНГИ кино амалиётига назар ташласак, аввало киностудияларнинг сони кескин равишда ўсиб кетганини, кино аҳлини кўпроқ саргузашт унсурларига бой бўлган, шаҳвоний ҳолатларни тасвирловчи сценарийлар қизиқтираётганини дарҳол сезамиз. Икки фильм — «Бархан» ҳамда «Самарадаги учрашув» мисолида бу йўлдаги уриниш қандай оқибатларга олиб келишини кўриш мумкин. Бу асарларда аслида инсонлар муносабатининг мураккаблиги, ҳаётнинг оғир дамларини кўрсатилиши лозим эди. Лекин шубҳасиз истеъдодли режиссёрлар С. Бобоев ҳамда Н. Аббосов адабий асос танлашда хато қилганлари туфайли одобсиз саҳналарни ҳеч бир драматургик заруриятсиз фильмларига зўрма-зўраки киритганларини ҳам кўриш мумкин. Биринчи мустақил асари «Клиника» билан танилган яна бир ёш режиссёр Рашид Маликов ҳам янги фильм («Қопқон»)га асос қилиб ўта заиф сценарийни олганини, шу боис экрандан янги сўз айта олмаганини кўриб, афсусланамиз.

Кинематографиямизнинг яқин ўтмишига мурожаат этсак, ўнлаб ажойиб фильмлар бирдан-бир студияда суратга олинганини, уларнинг асосида эса адабий жиҳатдан пухта ёзилган ҳамда халқимизнинг олижаноб фазилатларини тараннум этувчи сценарийлар бўлганини қайд этамиз. Муҳими шундаки, мазкур асарларни яратишда малакали кино санъаткорлар билан бир қаторда шарқ анъаналарини, ҳаётимизни чуқур ўрганган Собир Абдулла, Иззат Султонов, Уйғун, Раҳмат Файзий, Саид Аҳмад каби адиблар иштирок этганлар. Шундай анъана давом этиши, янги тажриба билан бойиши зарур эди. Лекин бугунги кунда ёзувчи ва кино ўртасидаги муносабатлар ривож топишига етарли аҳамият берилмай қўйди.

Бизнингча, фильм ишлаб чиқариладиган ижод даргоҳларининг миқдорини кўпайтириш эмас, уларнинг сифатини яхшилаш ҳақида қайғуриш даркор. Бунинг учун ҳозир ишлаб турган студияларнинг ишларини мувофиқлаштирадиган (балки назорат қиладиган!) қўмита таъсис этилиб, кинонинг бугунги муаммоларини ҳал этиш йўлларини белгилаш зарур. Бу ўринда ҳам кечаги кун тажрибаси қўл келади. Кино ширкати кинотеатрлар режалари, кино картиналари қурилиши, фильмларнинг экрандаги умри билан муттасил шуғулланиб келган қўмитанинг ижодий, ташкилий, молиявий, техник фаолияти серқирра ва сермаҳсул бўлганини бугун эслатиб ўтиш ўринли бўлар.

Байрам куни муштарийлар диққатини яна бир масалага қаратишни истар эдик. Кинематографиямизнинг шоҳ асарлари бунёд этилишида маданиятимиз анъаналари, бадиий ижод соҳасида орттирилган бой тажриба муҳим омил бўлган эди. «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Ёр фарзанди», «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап», Хўжа Насриддин ҳақидаги фильмлар халқ оғзаки ижодиёти, классик шеъриятимиз, шарқ миниатюра санъатининг ижобий таъсирида яратилганини мамнуният билан қайд қиламиз. Бу ўринда гап тақлид ҳақида эмас, анъаналарни кино нуқтаи назаридан ўрганиш, ўзлаштириш ҳақида кетаётгани ўз ўзидан маълум. Ҳозир кинода ижод этишни орзу қилиб юрган ёшларни ҳам бир-икки роль, яъни сценарий фильм билан танила бошлаган ижодкорларни ҳам огоҳлантириб қўйгинг келади: хориждан келтирилган асарларга тақлид қилиш билан эмас, маданий меросимизга таянган ҳолда ижод этилган экран асарлари зарур бизга. Фақат шундай асарларнинг мазмуни теран, шакли қизиқарли бўлишини кечаги кун тажрибаси эслатиб турибди.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
филология фанлари доктори.

СУРАТЛАРДА: «Алишер Навоий» фильмидан лавҳа.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 29 августда чиқади.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси
10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1991—1992 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЯККА БУЮРТМАЛАРНИ ТИКУВЧИ-БИЧУВЧИЛАР (ўқиш муддати — 1—3 йил).

КЕНГ ИХТИСОСЛИ САРТАРОШЛАР (ўқиш муддати — 1 йил).

ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИЛАР (ўқиш муддати — 1—3 йил).

МУЗЛАТГИЧЛАРНИ ТАЪМИРЛОВЧИ УСТАЛАР (ўқиш муддати — 3 йил).

СОТУВЧИ-БУФЕТЧИ, НАЗОРАТЧИ-КАССИР (ўқиш муддати — 1 йил).

КЕНГ ИХТИСОСЛИ СУРАТКАШЛАР (ўқиш муддати — 3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 9—11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ВА УНДАН ҚАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синф маълумотидагилар бепул овқат, кийим-бош ва 40—50 сўм стипендия билан таъминланадилар.

11-синф маълумотидагилар ойига 80—100 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, таржиман ҳол, 6 дона фотосурат (3х4см).

Билим юртининг манзилгоҳи: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, Қорақамиш 1/2 даҳаси, 20-уй. (42, 43э, 56, 93-автобусларнинг; 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати; 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4 Қорақамиш» бекати; 82-автобуснинг (1/4 «Қорақамиш» бекати).

А. А. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
«ЛИЦЕЙ»га

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ЛИЦЕЙ»ни Тошкент техника дорилфунуни ва Тошкент муаллимлар олий билимгоҳи оталиққа олган.
«ЛИЦЕЙ» қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди.

Пардозлаш устаси (суводчи, дурадгор, бўёқчилар).
Электр-пайвандчи-усталари,

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи 9-синфни битирган ўзбек йигит-қизлари математика ва она тилидан ёзма (иншо) имтиҳонларни топшириб, мандатдан ўтишлари керак.

ИМТИҲОНЛАР 13—14 СЕНТЯБРДА ЎТКАЗИЛАДИ.
Ўқишни тугатганларга билим юртини битирганлиги ҳақида диплом берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқувчиларга 40 сўм стипендия берилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизи берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ариза, ўқишни битирганлиги ҳақида ҳужжат, тиббий маълумотнома (286 форма), турар жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов ноҳияси, 26-мавзе, 1-уй. Телефонлар: 72-88-13, 72-88-18.

40-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

резисторларни йиғувчи, техника назорат-бўлими назоратчиси, кенг қамровли дастгоҳсоз (токарь, фрезерчи, йўнувчи, пармаловчи), **чизмачи-конструктор, технология ускуналарини созловчи, яримўтказгичли асбобларни йиғувчи.**

9, 11-синф маълумотидаги ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1-3 йил, 9-синф маълумотидаги ўқувчилар овқат, кўчалик кийим-бош билан, 11-синф маълумотидаги ўқувчилар эса — 80 сўм ҳажмида стипендия ва овқат пули (компенсация) билан таъминланадилар.

9-синф ҳажмида маълумотли ёшлар ўқишга кираётганларида кириш имтиҳонларини топширадилар. Имтиҳонларни муваффақият билан топширганлар ўрта маълумот ва танлаган касби тўғрисида диплом бериладиган махсус гуруҳларга қабул қилинадилар (махсус гуруҳларда ўқиш муддати — 2 йил) ва улар кейинчалик Тошкент техника дорилфунунига ўқишга кирадилар. Қониқарсиз баҳо олганлар ўрта маълумот берилмайдиган оддий гуруҳларга (ўқиш муддати — 1—2 йил) қабул қилинадилар. Ишлаб чиқариш практикаси, шунингдек дипломолди практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи берилади.

Билим юрти қошида спорт секциялари, «Электрон» вокал-чолғу ансамбли, «Ёшлик» киностудияси, «Романтика» дискоклуби, фан тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртини «аъло» баҳоларга битирганлар Тошкент техника дорилфунунига, Тошкент педагогика олий билимгоҳига, шунингдек Москва ва Ленинград алоқа олий билимгоҳларига кириш учун йўлланма оладилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 106-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати; 13, 51-автобуслар; 2, 7, 14-троллейбусларнинг «40-ҳунар-техника билим юрти» бекати). Телефон: 35-47-35.

«ХИМВОЛОКНО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ
(Саратов вилояти, Балаково шаҳри)
аппаратчилар ва ўровчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўртача маош — ойига 400—600 сўм.

Касби бўлмаган кишилар жойнинг ўзида ҳунар ўрганадилар. Ёлғиз кишиларга шинам ётоқхонадан жой берилади, оилалилар эса кам болалилар уйларида алоҳида хона билан таъминланадилар. Ишга жойлашганларга 1992—1993 йилда бир хоналик квартира олиш кафолати берилади.

Қўшимча ахборотлар олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг
МАДАНИЯТ САРОЙИ

эски ўзбек араб ёзуви — алифбосини ўқиш, ёзишга ўргатувчи араб хати турлари билан таништирувчи

3 ойлик курсга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ушбу мавзуга бағишланган машғулотларни мазкур дорилфунуннинг шарқ факультетининг етук мутахассис ўқитувчилари ва «алифбо сабоқлари» телекўрсатувининг қатнашчиси Масъудали Ҳакимжонов олиб боради.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРЬ 1991 ЙИЛДА БОШЛАНАДИ.

Аризалар ва ҳужжатлар эса ҳар куни соат 11.00 дан 18.00 гача қабул этилади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ Маданият саройи, 26-хона. Телефон: 46-39-55.

Жумҳурият автомобиль нақлиёти бирлашмаси
«ЎЗСУВҚУРИЛИШ-НАҚЛИЁТИ»

Сурхондарё вилоятида қурилаётган Тўполон сув омборбори қурилишида вахта усули билан

БеЛАЗ автомобилларида ишлаш учун

ҲАЙДОВЧИЛАРНИ ЙИҒМОҚДА

Доимий яшаш учун борувчилар 6 ой мобайнида уйжой билан таъминланадилар.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, А. Икромов ноҳияси Бешқайрағоч даҳаси, ЖАНБ «Ўзсувқурилишнақл и ё т и». (79, 152-автобусларнинг «Истироҳат» бекати). Телефон 47-15-98.

«Тошкент оқшоми» муҳарририяти жамоаси рўзнома ходими Д. Исроиловга акаси **Асқар ИСРОИЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон КП Акмал Икромов ноҳия қўмитаси, халқ депутатлари ноҳия Кенгаши ва ижроия қўмитаси А. Тожиев номли маҳалла қўмитасининг раиси, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати Ш. Темуровга онаси **Саодат АБДУРАҲМОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг жамоаси собиқ адвокат **Султон Валиевич ВАЛИЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Октябрь район озиқ-овқат савдоси ташкилоти жамоаси ташкилот хизматчиси **Босит ҲАСАНХЎЖАЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг маданият бош бошқармаси
«ИНТЕРКУК» ТЕАТР-ТОМОШАЛАР МАРКАЗИ ВА «ИНТУРИСТ» МАДАНИЙ-АХБОРОТ МАРКАЗИ
31 АВГУСТ ВА 1 СЕНТЯБРДА АҲМАДОБОД АКАДЕМИЯСИ ДАРПАН СОЯЛАРИ ТЕАТРИ
(Ҳиндистон)

ТОМОШАЛАРИ

Фирдавсийнинг «ШОҲНОМА» поэмаси асосидаги
«РУСТАМ ВА СУҲРОБ»
РАНГ-БАРАНГ ҚУҒИРЧОҚ ТОМОШАЛАРИ.

А. Роджерснинг инглиз тилидаги таржимаси асосида М. Р. Контрактор томонидан саҳналаштирилган.

Спектакль рус ва ўзбек тилларидаги шарҳлар билан бошқариб борилади.

Томошалар соат 16.00 ва 18.30 да бошланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Совет кўчаси, 2-уй («Ўзбекистон» меҳмонхонасининг орқасида).

«ИНТУРИСТ» МАДАНИЙ-АХБОРОТ МАРКАЗИ.
Телефон: 33-38-54.

Чипталар «Интурист» маданий-ахборот марказининг кассасида сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ХИТОЙ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ТОМОШАЛАР 27, 28, 29-августда соат 19.00 да,
30 августда соат 19.30 да,
31 августда соат 16 ва 19.00 да,
1 сентябрда соат 15 ва 18.00 да БОШЛАНАДИ.
Чипталар сотилмоқда.

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ТОМОШАЛАР 30 августда соат 17.00 да,
31 августда соат 13.00 да,
1, 2 сентябрда соат 12.00 да БОШЛАНАДИ.
Чипталар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
БОЛАЛАР БАДИИЙ ИЖОДИЁТИ ЖУМҲУРИЯТ МАРКАЗИ
1991—1992 ўқув йилига
БАДИИЙ ИЖОДГА ҚИЗИҚУВЧИ БОЛАЛАРНИ
Марказнинг расм, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, адабиёт, кино, фото, каштачилик ва тўқиш студияларига қатнашишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАШҒУЛОТЛАР БЕПУЛ БЎЛИБ, УНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ЯШОВЧИ 6 ЁШДАН 16 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИН.

Манзилимиз: 700031, Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 15-уй. Телефон: 56-62-29.

Биз сизнинг хизматингиздамиз
ТОШКЕНТ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ «ТАРЖИМОН» МАРКАЗИ

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР, ХЎЖАЛИКЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН АЙРИМ ФУҚАРОЛАР БУЮРТМАСИГА АСОСАН ТУРЛИ МАТНЛАРНИ, ҲУЖЖАТЛАРНИ, ИЛМИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АСАРЛАР, ДИССЕРТАЦИЯЛАРНИ РУС ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ЁКИ АКСИНЧА, ЎЗБЕК ТИЛИДАН РУС ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

«ТАРЖИМОН», бу — тажрибали таржимонлар;
«ТАРЖИМОН», бу — тезкорлик, малака, сифат;
«ТАРЖИМОН», бу — аниқлик ва пухталик;
«ТАРЖИМОН» ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР.
Телефон: 33-62-61.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси номидаги кўча, 41-уй. Тошкент журналистлар ташкилоти.

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ ОКТЯБРЬ РАЙОН ТАШКИЛОТИ

(Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй, Октябрь район партия комитети биносида, 25-хона)

ҚУЙИДАГИ 2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
қабул эълон қилади.

«ҲАР БИР УЙДА ТИББИЙ ҲАМШИРА»

Тингловчилар шифокор етиб келгунга қадар кўрсатиладиган тиббий ёрдам кўникмаларини эгаллайдилар.

Ўқиш ҳақи — 200 сўм.

УҚАЛАШ

Дастурда: классик, нуқтали ва бошқа хилдаги уқалаш асослари, даволаш машқлари услубиёти. Машғулотларни тажрибали мутахассислар олиб боришади.

Ўқиш ҳақи — 200 сўм.

УЙДА ИШЛАЙДИГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР САРТАРОШИ

Дастурда: сартарошлик санъати асослари, замонавий соч қирқиш ва турмаклаш технологияси, сочларни бўяш, кимёвий усуллар билан жингалак қилиш ва ҳоказолар.

Машғулотлар мутахассис-модельерлар, Бутуниттифоқ сартарошлар танловларининг совриндорлари томонидан олиб борилади.

Ўқиш ҳақи — 250 сўм.

ЁШ БИЗНЕСМЕН МАКТАБИГА

Дастурда ишбилармонлик фаолиятининг асослари, маркетинг, менежмент, ижтимоий психология, бошқарув аспектлари, «Тайм-билдинг», битимларга оид ишлар ва ҳоказолар.

Ўқиш ҳақи — 500 сўм.

КУРСЛАРНИ БИТИРГАНЛАРГА ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-07-94, 41-07-09.



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар комитети

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

79.828 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Буюртма 5823. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 Босмага берилди: 11.30. Босмага берилди: 11.15.